

**1-оят.** «(Киёмат) соати якинлашииб колди ва ой хам бўлинди».

Масрух Абдуллохдан ривоят килади: – Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) замонларида ой бўлинди. Буни кўриб курайшликлар: – Бу ибн Абу Кабшанинг сеҳридир, у сизларни сеҳрлади, сафарда юрганлардан сўраймиз, – дейишиб улардан сўрашди. Шунда сафарда юрганлар: – Ха, дархакикат, биз кўрдик, – дейишди. Шунда Аллох таоло ..... оятини нозил килди.

**47-49-оятлар:** «Албатта, жиноятчи-осий кимсалар гумрохлик-ахмокликдадирлар. Улар юзтубан холларида дўзахга судраладиган Кунда (уларга): «Дўзах азобини тотиб кўринглар!» (дейилур).« Албатта, Биз хар бир нарсани (аник) ўлчов билан яратдик». Абу Хурайра (розияллоху анху)дан: Курайшликлар кадар борасида хусуматлашиб келишди. Шунда Аллох таоло ..... ни нозил килди.

Муслим ривояти

Абу Умома ал-Бохилий айтади: – Аллох гувоҳни Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)дан эшитдим, айтдиларки: Ушбу ..... ояти кадарийлар хакида нозил бўлган. Ато айтади: – Нажрон ускуф (епископи)и Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам)га келиб: – Эй Мухаммад, жиноят – осийликлар кадар (тақдир) билан бўлади деб ўйлайсанми? Денгизлар кадар билан, осмонлар кадар билан – бу ишлар кадар билан жорий бўлади. Гунох, осийликлар эса бундай бўлмайди, – деди. Шунда Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам): – Сизлар Аллохнинг хусуматчиларидирсизлар, – дедилар. Шунда Аллох таоло ..... нозил килди.

Ибн Абу Зароро ал-Ансорий отасидан: – Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) ушбу ..... оятни кироат килиб: – Ушбу оят бу умматнинг охиригиларидан бўлган Аллох таолонинг кадарини ёлгонга чиқарувчи инсонлар хакида нозил бўлган, – дедилар.

Бакир ибн Усайд отасидан: – Мухаммад ибн Каъб хозир бўлиб айтадики: – Агар мени кадар борасида чуқур кетаётганимни кўрсангиз, мени боглаб кўйинглар. Нафсим кўлида бўлган Зотга касамки, ушбу оятлар факат улар хакида нозил бўлгандир. Сўнг .....оятини ўқиди.